



# ҲАЁТИМИЗНИНГ, ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Давоми. Боши биринчи бетда.

Азиз юртошлар! Хаммагизга маълумки, биз бундан роппа-роса бир йил муқаддам мана шу залда 2002 йилни мамлакатимизда Қарияларни қадрлаш йили, деб эълон қилган эдик.

Бизнинг бу йилга шундай ном беришдан асосий мақсадимиз — халқимизнинг азалий удумларига риоя қилиб, эл-юртимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилган ўзига хос сиёсатимизни изчил давом эттириш, уни янада кўпроқ амалий ишлар билан мустаҳкамлашдан иборат эканини, ўйлайманки, жамоатчиликдими яхши биласиз.

Содда қилиб айтганда, биз олиб бораётган давлат сиёсати, биз қураётган давлат тизими, барпо этаётган янги жамият, ҳаётимизда қарор топаётган эгу қадриятлар замирида, аввало, Ўзбекистоннинг буюк келажагини ўйлаб, йиллар давомида шу олижаноб ишга ўз хиссасини қўшган, ана шу пойдеворнинг тамал тошини қўйган инсонларни улуғлаш, уларни рози қилишдек олижаноб мақсад мўжассам.

Шу маънода, кейинги йилларда эълон қилинган Инсон манфаатлари ёки Оила йиллини оласизми, Аёллар, Соғлом авлод, Оналар ва болалар йили ёки мана шу Қарияларни қадрлаш йиллини оласизми — буларнинг барчаси бир-бири билан мантаний асосда, ўзаро узвий боғланганини кўрамиз.

Давлат ва жамият эътиборини ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим йўналишларига қаратиб, одамларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган дастурларни бажариш учун керакли имконият ва маблағ топиб қилган ишларимизнинг амалий таъсири ҳаётимизнинг барча жаҳалларида бугун самара бераётганига ҳаммаимиз — оддий фуқародан тортиб юқори мансаб лавозимларида ўтирган инсонларгача гувоҳ бўлмоқдамиз.

Агар биз ўтиб бораётган 2002 йилга худди шу кўз билан қараб, унинг амалий натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, Қарияларни қадрлаш йили бўйича қабул қилган дастурийлик нафақат муҳтарам фахрийларимиз, кексабик қолган ота-оналаримиз, балки бутун жамиятимиз ҳаётида катта из қолдирганига ишонч ҳосил қиламиз.

Мен бугун бу тўғрида батафсил ҳисобот беришни мақсад қилиб қўйганим йўқ. Чунки, дастур ижроси юзасидан мутасадди ташкилотлар вакиллари матбуот, радио-телевидение орқали, маҳалла ва фуқаролар йиғинларида ўз ҳисоботини беради, албатта.

Мен фақат бу борадаги айрим мисолларни келтириб ўтмоқчиман.

Қарияларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида, аввало, жорий йилда пенсия ҳажмини аниқлаш ва ҳисоблашга адолатли қараб, пенсия миқдорининг 1,3 марта кўпайтирилгани, кексаларимизга қўшимча имтиёзлар бериш учун биргина Пенсия жамғармаси томонидан 39 миллион 600 миллион сўм маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишларнинг қўлган нечоғли катта бўлганини кўрсатиб турибди.

Ёки қарияларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, уларга тиббий, санаторий-курорт, коммунал-مائийш ва транспорт хизматлари кўрсатишни яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилгани ҳам эсламасдан ўтмаймиз.

Шу ўринда икки миллионга яқин қария диспансер назорати ва тиббий кўриқдан ўтказилгани, 30 миңдан зиёд отахон ва онахонларимиз санаторияларда ва тиббиёт маҳкамлида бепул даволанганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, «Ортопедик реабилитация» илмий-ишлаб чиқариш корхонасининг барча вилоятларда филиаллари ташкил этилиб, ёрдамга муҳтож ва ногирон кексаларни махсус аравачалар, эшитиш мосламалари ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ишлари изчил давом эттирилаётгани ҳам тилга олиш мумкин.

Ёки бўлмаса, шу йил Қорақалпоғистон Республикаси «Тахиятос» санаторий-профилакторий-си, Наманган вилоятида уруш ва меҳнат фахрийларига мўлжалланган «Косонсой» сийхатгоҳи, Сирдарё вилоятининг Янгйер шаҳрида «Саховат уйи» барпо этилганини айтиш ўринлидир.

Жорий йилнинг ўтган даври мубоинада ногирон ва қаровчисиз кексаларга 1 миллиард 340 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани, бу эса режадагидан уч баробар кўп экани ҳам албатта амалга оширилган ишлар салмоғидан далолат беради.

Бундан ташқари, 900 нафар ёлғиз отахон ва онахонларнинг уйлари давлат ҳисобидан таъмирлаб берилгани, 11 миң 700 нафар ёлғиз кексага давлат дастурда кўзда тутилган имтиёзлик ёрдам амалга оширилаётгани, уларга 3 миңдан зиёд ҳамшира хизмат кўрсатилгани, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари эса 3 миң 700 кексани ўз оталиғига олиб, уларга мунтазам ёрдам кўрсатиб келаётгани айниқса эътиборлидир.

Албатта, масаланинг маънавий томони, яъни оилада, маҳаллада, жамоат жойларида, тўй ва маъракаларда кексаларимизга бўлган ҳурмат-эътибор янада ортгани, улар доимо кўпчиликнинг эъзосида бўлиб келаётгани ҳақида ортиқча тўхталишга зарурат бўлмаса керак.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, мана шу эгу ишларга хисса қўшган саховатли инсонларга, турли хайрия ташкилотлар вакилларига ўз миннатдорчилигимизни изҳор этиб, олиҳим, қилган хайрли ишларингизнинг савобини ўзингиз ҳам кўринг, бошингиз омон бўлсин, ҳеч қачон кам бўлманг, деб тилак билдирсак, адолатли бўлади, деб ўйлайман.

Нега деганда, уларни ҳеч ким бунга мажбур қилгани йўқ. Жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган мана шундай ижобий ўзгаришлар, одамларимиз ўртасида меҳр-оқибат, шафқат тўғйуларни тобора мустаҳкамлашни бораётгани шахсан мени беҳад қувонтиради.

Албатта, мўътабар қарияларимизга бўлган эътибор, бу йўналишдаги ишлар фақат шу йил билан чекланмайди, балки янги боқичида, янги ҳақда изчил давом эттирилади.

Чунки бизларни дунёга келтириб, воғета етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта хисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамшира қарздоримиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Хурматли дўстлар! Барча қувонч ва ташвишлар, муаммоларга қарамайдан, ҳаёт давом этаверсиз.

Мана, ҳадемай, Янги йил ҳам кириб келади. Янги йилнинг ҳам файзли, баракали бўлиди, Яратганимиз бу йилда ҳам биздан меҳрини, марҳаматини аймайди, хонадонларимизга тинчлик-осойишталик, бахту саодат ато этади, деб ишонамиз.

Илгари ҳам кўп бор айтган гагини яна такрорламоқчиман: биз пок ва ҳолис ниятлар билан яшасак, Оллоҳни доимо қалбимизда, юрагимизда сақлаб, ундан сўрасак, ишончим қомилки, биздан меҳр-муруватини ҳеч қачон дариг тутмайди.

Янги йилга ана шундай орзулар билан қараётган халқимизнинг фикрини, кайфиятини инобат

га олиб, бу йилимизнинг ҳам ҳар томонлама ҳосиятли, файзу баракали бўлишини ният қилар эканмиз, менинг бир тақдирим бор: кириб келаётган 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилсак.

Қадрли ватандошлар! Бу масалага кенгрок қарайдиган бўлсак, янги йилга бундай ном беришимизнинг боиси нимада, деган табиий савол туғилади.

Аввало, шунини айтиш керакики, «обод» деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор.

Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, кут-барака ҳўқмон бўлган жойларни тасаввур қилади. Шу нўқтай назардан қараганда, маҳаллада ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ, деб ўйлайман.

Нега деганда, ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз.

Шу боис, маҳалланинг ҳаётимиздаги мавқеи юксак, унинг қонуний, ҳуқуқий асослари ҳар томонлама мустаҳкам бўлиб ривож топса, бу идорани жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми, қўйи бошқариш тизими сифатида нечоғли қучайтирсак, бунинг учун барча моддий-молиявий шароитларни ташкил қилиб берсак, ўйлайманки, бу ўз олдимизга қўйган олий мақсадларга эришиш йўлида катта қадам бўлади.

Барчангиз яхши биласиз, «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган ҳикматда жуда катта маъно бор.

Агар биз бу иборанинг ҳақиқий маъзунини сўзда эмас, амалда намойен этмоқчи бўлсак, шу маҳаллада яшайдиган ким бўлмасин — бева-бечора ёки ногирон бўладими, омади келмаган бирон-бир оила бўладими, ёлғиз қолган қария бўладими — буларнинг барчасига нафақат моддий ёрдам беришимиз, аввало, меҳр-эътибор қаратишимиз зарур.

Шу борада, ҳеч шубҳасиз, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари кўмак-мададага муҳтож бўлган инсонларни ёлғиз қолдирмасдан, уларнинг бошини силаб, бу одамларни ҳимоялаш учун, керак бўлса, давлат идоралари, мансабдорларнинг тинчлини бузиб, тегишли ёрдам ва маблағни ундириб олиб, бугун қилаётган ишларининг самарасини янада қучайтирсак, яъни маҳалла том маънода ота-оналик вазифасини ўтайдиган даражага етиб борса, биз кўп нарсага эришган, аҳолиимизнинг розилигини олган бўламиз.

Лекин барчамиз яхши англаб олишимиз керакики, бу масалада ҳамма нарса фақат бугунги маҳалла тизимига, унинг фаоллари ва ташкилотчиларига боғлиқ эмас.

Бунинг учун аввало давлат кўмагини янада қучайтириш, маҳаллага тегишли ҳуқуқий ваколатлар бериш, унинг низоомини қайтадан кўриб чиқиш, имкониятларини кенгайтириш, биринчи гада, маҳалланинг моддий негизини мустаҳкамлаш ҳақида ҳаммаимиз бош қотиришимиз, қаттиқ ишлашимиз керак.

Шу маънода, маҳалланинг туман ва шаҳар ҳокимликлари, маъмурий ва ҳуқуқий ҳимоя қиладиган ташкилотлар билан, керак бўлса, ижтимоий, нодавлат, сиёсий ташкилотлар билан алоқаларини расмий, яъни ҳуқуқий асосда йўлга қўйиш, бу борада ечилмаган барча муаммоларни қонуний тарзда ҳал этиш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди, десак, хато бўлмайди.

Нега деганда, бу масалалар ечилмас экан, маҳалладан кўп нарсани талаб қилиш ўринсиз бўлади.

Шунини оқиб айтиш керакики, ҳақиқатан ҳам бугун биз маҳалла зиммасига кўп вазифаларни юкляп-миз.

Шунинг учун ҳам бугун қайси масалаларда ҳокимият, қайси масалаларда маҳалла масул эканини қонуний нўқтай назардан аниқ белгилаб қўйиш вақти келди, деб ўйлайман.

Обод маҳалла йили бўйича ҳам махсус давлат дастурини қабул қилиб, уни амалга ошириш юзасидан ҳукуматимизга тегишли топшириқлар берилди, албатта.

Маҳалла ҳақида сўз юритганда, яна бир масалага эътиборингизни жалб қилмоқчиман. Бизнинг ҳаётимизни тебратадиган шундай бир соҳа борки, уни ҳеч қандай қонун ёки расмий ҳужжат билан чегаралаб, белгилаб бўлмайди.

Бу соҳа бевосита одамларнинг маънавияти, руҳий дунёси, мафқуравий онги, тафаккури билан боғлиқдир.

Шу жумладан, бир жойда яшаётган одамларнинг ўзаро алоқалари, оила муносабатлари дейсизми, қўни-қўшничилик дейсизми, қўна-данчилик дейсизми — буларнинг барчаси оғиз ўзига хос, сирли бир олам.

Бундай муносабатларни фақатгина расмий йўл билан, қонун ва фармонлар билан белгилаб бериб бўлмайди. Ва бунга интилиш ҳам қалтабинлик, деб ҳисоблайман.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам Шарқ оламида, ислом фалсафасида одамларнинг маҳалла, яъни жамоа бўлиб яшашда, жамият ҳаётида тинчлик ва осойишталикни сақлашда меҳр-оқибатлик, шафқат ва муруват нақадар катта ўрин тутганини англаш мумкин.

Шу сабабли, маҳалланинг аҳамияти ва ўрни ҳақида гапирганда, инсоннинг, оиланинг маънавий олами, ундан хабардор бўлиш, уни англаш, бу руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлайманки, маҳалладак идорага тенг келадиган бошқа бирон-бир восита йўқ.

Азиз юртошлар! Шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга хос бўлган, ҳаётимизда катта ўрин тутадиган ва унга таъсир ўтказадиган қадриятлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Қадрият деганда, биз миңг йиллар давомида шаклланган, одамларнинг ҳаёти, ички дунёсидан мустаҳкам ўрин олган, ҳеч қайси расмий ҳужжатда акс этмаган бўлса-да, унга барча амал қиладиган, инсонларнинг қон-қонига сингиб кетган аниқ ва удумларни тушунамиз.

Ўнда қилиб айтганда, одамзод бор экан, миллат бор экан, шу миллатни ифода қиладиган, асарлар мубоинада қандайдир муқаддас даражага кўтарилиб қолган аломат хусусиятлар ҳам у билан бирга яшайди.

Табиийки, ота-боболаримиз бизга қолдирган олижаноб қадриятларни, гуруримизни кўтарадиган, халқимизнинг обрўсига обрў қўшадиган инсоний одат ва фазилатларини сақлаш, қараб-авайлаш ва энг катта бойлик тариқасида янги келажақ авлодларга етказиш зарур. Бу масала бўйича ҳеч қанда, ҳеч қандай иккиланш йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Кейинги йилларда қадриятларни тиклаш ва улуғлаш, буюк авлиб ва мутафаккирларимизнинг хоҳи ётган қадамжоларни обод қилиш, аждодларимиз меросини ўрганиш борасида кўп-кўп ишлар қилинаётгани ҳақида ҳам узоқ гапириб ўтиришга ҳожат йўқ.

Чунки, бусиз биз буюк келажагимизни тасаввур

этолмаймиз: миллатимизнинг томири, тарихи қанча чуқур бўлса, келажаги ҳам шунча буюк бўлади, деб тушунамиз.

Аммо ҳаётда шундай одат ва эскидан қолган удумлар борки, уларни миллатимиз ва халқимизга хос бўлган азалий қадриятлар қаторига кириштириш қийин.

Гап нима тўғрисида кетяпти? Гап аввало миллий қадриятларимизни сохтлаштиришга олиб келаётган, урф-одатларимиз нико-би остида тўй-ҳашам ва маърака-маросимларимизни катта дабдаларга, базми жамшидларга айлантириб, ҳаётимизга қучайиб кириб бораётган ўта хунук ҳаракатлар ҳақида кетяпти.

Бунинг негизига баъзи бир одамларимизга мансуб бўлган шўхратпарастлик, дабдабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш, очик айтиш керак, аввало бели оғримасдан, нопоқ йўллар билан топган пули ва бойлигини терисига сиғдира олмаслик каби иллатлар ва эски асоратлар борлигини кўриш мумкин.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бугун бу тўғрида гапирмасдан бўлмайди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай дабдаларни ташкил қилишга бош-қош бўладиган, янги-янги маросимларни ўйлаб чиқарадиган ва шунинг ҳисобидан ўзининг манфаатини, керак бўлса, қандайдир сохта обрў топадиган, шу ишга ота касби қилиб олган маълум бир қимсалар борлигини ҳам очик айтишимиз зарур.

Албатта, бу ҳақда биринчи марта сўз юритаётганимиз йўқ. Бу хусусда жамоатчилигимиз, матбуот, радио ва телевидение, хотин-қизлар кўмитаси фаоллари, жойлардаги кўпни кўрган оқсоқолларимиз кўйини бағиради.

Одам шундан хайратда қоладики, бундай ҳеч ақлга сиймайдиган ортиқча маросимлар ҳар бир оила, ота-онанинг елкасига оғир юк бўлиб тушаётганини ҳамма билади.

Чунки бундан асосан қўполбали оилалар азият чекади, қийналади, шунинг оқибатида қарздор ҳам бўлиб қолиб, қарзини узиш учун бошини кўтармасдан меҳнат қилади.

Менинг бир эски танишим бор. Баъзан кўришиб, телефонлашиб турамиз. Шу бечора тўрт-бешта боласининг тўй ташвишларидан қултуғмай туриб, ҳали нафасини ростлаб олишга улгурмасидан, яна тўйга наваб келиб қолибди. Нима эмиш, энди невараларга бешик тўйи қилиб бериши керак эмиш.

Бу ҳақда одамлар билан суҳбатлашсангиз, улар, энди, ўзбекчилик, ор-номус, деган гаплар бор, дейди. Бошқача айтганда, шавла кетса, кетсин, обрў кетмасин, деб иш тутайди.

Бизнинг халқимизда «кўпчилик қаторида» деган бир гап бор.

«Кўпчилик қаторида» деган иборани биз, аввало, атрофдаги жамоа, маҳалла-қўй билан бирга ҳамоҳанг бўлиб яшаш, уларнинг қаторидан чиқмаслик ва кўпгина ҳолатларда ор-номус деган тушунча билан чамбарчас боғланиб кетган қарашлар, деб қабул қилишимиз тўғри бўлади.

Ўйлайманки, бу жуда олижаноб тушунча. Нега деганда, асарлар давомида шаклланган мана шундай қарашлар бошига мусибат, ҳаёт синовлари тушган одамларни ёлғиз қолдирмасликни, уларнинг дардига ҳамдард бўлиш, ғам-ташвишларини баҳам қўриш, ёвуз қулларга, бало-қазоларга қарши бир ёқадан бош чиқариб қурашишни англайди.

Шу маънода, бу тушунчани ёшларимизга, унбўйсиб келаётган болаларимизнинг қалби ва онгига синдириш, халқимизнинг ҳамжиҳатлигини ифода этадиган ҳаракатга айлантириш эл-юртимизга фақатгина қуч-қувват бағишлайди.

Лекин, бундай олижаноб тушунчани ақсига айлантириб, ҳар қандай соғлом фикрга зид бўлган сохта урф-одатларга берилиб, ўзининг табиати ва салоҳиятига, даромадига тўғри келмайдиган, балки унга катта зарар етказадиган тўй ва маросимларни ўтказадиган одамларни тушуниш қийин.

Очик айтишимиз керак, биз дўпимизни олиб қўйиб, чуқур ўйлаб кўрсак, тарихимизни эсласак, ҳақиқий қадриятларимизнинг мағзини қақсак, бу ортиқча даҳмазарлик одамларимиз елкасига машаққатли бир юк, анимок айтганда, доимий оғир мажбурият бўлиб тушаётгани аён бўлади.

Агар биз тўйга кетадиган маблағнинг бир қисmini ёшларнинг ҳақиқий эҳтиёжига, оила уюми-ларини енгиллаштиришга, эртага туғиладиган гўдакларни соғлом қилиб ўстириш, болаларимизга чуқур билим бериш, бир сўз билан айтганда, замонавий ҳаёт ва турмуш тарзига жавоб берадиган мақсадларга сарф қилсак, бу энг оқилона ва савоб иш бўлур эди.

Диний маросим ва маъракалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, мен бу тўғрида узил-кесил бир хулоса билдириш фикридан узоқман.

Бу хусусда аввало имом-таъбирлар, уламоларимиз, диний идора ўз фикрини билдириши, кенг тарғибот ишларини олиб бориши керак.

Албатта, улар бу борада анча-мунча ҳаракат қиляпти, аммо бу ишларни янада қучайтириш лозим.

Мен фақат маъракаи дабдалаби тўйга айлантириш ҳеч қайси муқаддас китобда ёзилмагани ва бизнинг ислом динимиз арконларига мутлақо зид эканини эслатиб ўтмоқчиман, холос.

Азиз дўстлар, ёдингизда бўлса, биз бундан уч-тўрт йил аввал бу борада махсус бир қарор ҳам қабул қилган эдик.

Унда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўйиш, атрофда яшаётган одамларнинг ҳол-аҳволини инобатга олмаслик каби иллатларга йўл қўйилаётгани айтилган, бу масала бўйича аниқ чора-тадбирлар ҳам белгиланган эди.

Бу қарор эълон қилинган, жойларда тўй-маъракаларни ўтказиш ишлари бироз тартибга тушган деб бўлди. Бироқ, афсуски, кейинчалик бу иш яна эътибордан четда қолиб кетди.

Менинг тақдирим шунки, бу масалани авваламбор маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталари турар-жойларда чуқур ўрганиб чиқиб, ўз тақлиф ва тавсияларини бериши лозим.

Биз ана шу тақлиф ва тавсияларга таянган ҳолда, керак бўлса, янги қарор қабул қилишимиз, унда бу масала бўйича кўпроқ амалий ва таъсирчан чораларни кўриш ва бундай тадбирларни жамоатчилигимиз кучига суянчи, қандайдир чегарага солиш мақсадида иш олиб борсак, айни муддао бўлади, деб ўйлайман.

Мен ишонман — халқимизнинг соғлом тафаккури, асрий тажрибаси, кўпни кўрган оқсоқоллар, ота-оналар, опа-сингилларимизнинг, маҳалла фаоллари, кенг жамоатчилигимизнинг қатъияти билан бу муаммони оқилона ҳал қилишга бизнинг кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам етади.

Хурматли дўстлар! Фурсатдан фойдаланиб, сиз азизларни Конституцияимизнинг 10 йиллиги байрами билан яна бир бор кўтайман.

Шу билан бирга, сизларни, сизлар орқали барча юртошларимизни бутун дунё мўмин-муслимонлари қаторида бизнинг халқимиз ҳам катта қувонч билан қутиб олаётган тўбаруққ Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ

## ЮРТИМДА ШИОМИҲНА

Қомусимиз ўз тўйини қилур бутун тантана, Қарнай-сурнай садоси таралгай кенг оламга. Кутлуг айём муборак, юртимда шодиена, Иқбол, қувонч келтирсин озад, обод ўлкамга.

Асосий Қонуимиз — ҳаётимиз қомуси, Мустақиллик туғайли ушладимиз армонимиз. Конституцияимиз — халқимиз ор-номуси! Тақдиримиздан сузлар эътиқод, виждонимиз!

Ҳақ-ҳуқуқни билган ҳеч кимга бўлмас қарам, Озод инсон қўлларини тутиб бермас кишагга!

# ҲУҚУҚИЙ ҲАЗИНАЛАР КАЛИТИ

Конституция — барча қонунларнинг сарчамаси, пойдевори деймиз. Пойдевор мустаҳкам бўлса, бино шунга яраша бўлади. Шундай экан, қомус ҳар қандай жамиятнинг юз-қўзи, қиёфаси, янада содда қилиб айтсак, ор-номуси, виждони.

Шу ўринда, конституция ижодкорга нима берди? Энг аввало, ижод эркинлиги қонун билан кафолатланди. Ижодкорга катта масъулият юклатди. Бироқ, собиқ шўролар даврида бирор асар ёсанг, сарҳис мундариқоқ чиқса, мафқура, цензурани баҳона қилиб бўларди. Энди заиф асар ёсанг, баҳона қилиб бўлмайди.

Ижод эркинлиги бу — кенг тушунча. Ҳар қандай жамиятнинг, тузумнинг ўзига хос иллатлари, заиф томонлари, ютуқлари бўлиши инсоният тарихида, давлатчилик тарихида ўз исботини топган. Идеал, яъни муқамал жамият бўлиши учун ҳам инсонга ижод эркинлиги, сўз ва виждон эркинлиги каби имкониятлар берилиши табиий эҳтиёждир.

Қишлоғимизда бир катта оилани биламан. Қишлоқда қандай янгиликлар бор деб сўрасангиз, тўғриқўй янги янги расм-рўсуллар амалга оширилаётганини, фалончи шу ишга бош-қош бўлаётганини айтиб, кў

ШУКРОНА АЙЧИМОҚҚА ҚОДИРМАН...



Турсунбой АДАШБОВ

Ултурмайин қарсақ чалишга  
Гуфта-гуфта йиқилар қорга...

БЕШИК

Саломатхонни хотирлаб...

Уч ой ёзда қайта қурдик,  
Бузиб эски томларни.  
Янгиладик дарвоза-ю,  
Хаттоки ишқомларни.

Қўш қаватли иморатнинг  
Қандил, нақши бўлақча.  
Гулхонани айлантириб,  
Тортдик шинам йўлақча.

Қуя еган кигиз-пигиз  
Урин олди панадан.  
Кумгон, чироқ жойин тоқди  
Хилват омборхонадан.

Боқарқанман пешайонга—  
Кунгирали эшикка.  
Қўзим тушди нок остида  
Қолиб кетган бешикка.

Шу бешикда қизим, ўғлим  
Алла тинглаб ётгани.  
Набирам ҳам ором олиб,  
Файзли тоғлар отгани.

Ижарали уйга кўчасак,  
На уллов бор мингани.  
Ёлдан чимчас: қолди китоб,  
Чинни лаган сингани.

Ўшал дамлар ҳаёлимдан  
Ўтар тез-тез туш каби.  
Фарзандларим парвоз қилди,  
Қўкка учган қуш каби.

Фарзандларим ётган бешик  
Сингмай қолгач қорбоққа  
Оқ чойшабга ўраб, уни  
Осиб қўйдим чордоққа...

ИЛИНЖ

Бобом эккан олмурут  
Ховлимизнинг тўрида.  
Юлдуз санаб ётибман  
Олми ёғоч сўрида.

Ажаб, ноқдай хипча бел,  
Гуё зўлдилр ёмбилар.  
Барг остидан мўралаб,  
Қўзларингни ёндирар.

Банди мўрт-да, бу мева  
Тонг палласи тўкилар.  
Муроджоннинг йўлин пойлаб,  
Онам интиқ, ўқинар.

Набиралар соғинчи  
Хар қаламда билиниб,  
Олмурутдан бўйрага  
Қўш солар қилиб.

Олми ёғоч сўрида  
Ҳаёллarga ботиб ман,  
Хом-хатала шу шёрни  
Қайта ишлаб ётибман.

ИБРАТ

Жумабой МҶМИНОВА

Қаҳатчилик эди у кезде,  
Қўноқ гўжа, тариқ нон ердик.  
Зогоранинг қадри ўтганда,  
Тегирмончи бўламан, дердик...

Тақчил эди «ойна жаҳон»,  
Бир овулга битта етарди.  
Гузаришга шинам чойхона  
Жуда гавжум бўлиб кетарди.

Қалдирғочдек тизилиб олиб,  
Мултфилмлар қўриб тинардик.  
«Оламда нима гап» бўлган чоғ,  
Мўминовга тақлид қилардик.

Дарс сўнгиде Ҳамдамов домла,  
Ўқтар эдимиз демак,  
Ўз йўлини топмоқчи бўлсанг,  
Жумабойдай ўқининг керак.

Мурувват, оқибат нелигин  
Устоз Миртемирда кўрандим.  
Шогирда меҳрин, асида,  
Мен Кудрат Ҳикматдан ўргандим.

Ибрat бўлгач шундай оғалар,  
Шукрона айтоққа қодирман.  
Фарзандларим инсофли, оқил,  
Эл қатори яшаётирман.

— Бу киши — филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқов бўлади. Бугундан бошлаб сизларга фолклоршуносликдан дарс беради, — деди дунё длабети кафедрасининг мудири. Кейин тўридан-тўри профессорга мурожаат қилди:

— Булар — ўша Олий адабиёт босқичининг тингловчилари.  
Бизлар — бор-йўғи саккиз нафар, ҳар хил вилоятларданмиз. Ўқинишнинг биринчи ҳафтаси бўлажак домлаларимиз билан танишдик...

Илк сабоқни бошламасданок профессорнинг назари менга тушди.  
— Э, Жаҳонгир... Қалайсан?  
— Раҳмат. Ёмонмас, — дедим. — Узингизнинг кайфиятларингиз яхшими, Баҳодир ака?

— Чидаса бўлади, — деб қўйди Баҳодир ака.  
Мен билан ёнма-ён ўтирадиган наманганлик ёш шоира Гулчехра Беназир бошини эгиб, мenden сўради:

— Сизлар танишимсизлар?  
— Ҳа.  
Бу киши бировлар учун «профессор Баҳодир Саримсоқов» бўлса, мен учун шунчаки — «Баҳодир ака», дадам учун «Баҳодиржон» эди. Домла кўп йиллардан буён дадамнинг яқин дўсти ва маслакдоши.

Оиламизнинг яқин дўстига айлиниб қолган домлангиз яшил «жигулисид» қилган саватларимизни завқланиб оёқлашсан. Хоҳласан, шаҳардан ташқарига — тоғларга чиқардик, хоҳласан — дадамнинг туғилган юрти Сурхондарёга кетардик. Бойсунга ҳам бардик. Дадамнинг ўзи ҳам Баҳодир аканинг туғилган юрти — Андижоннинг Шахрихонида ҳам бир неча марта бўлиб қайтган эди.

Баҳодир ака билан Бойсунга борганимизни эслаб кетдим. Ушанда момом ҳам, бобом ҳам ҳаёт эдилар. Улар ҳам Баҳодир акани ёқибди қўлиб, «улим» деб атаган эдилар.

Домла кейинчалик Сайёра опамнинг «Достонларни қиссий ўрганиш» мавзусидаги илмий ишга қарбарлик қилди. Шунга айтишим лозимки, халқ ижоди билан шуғулланишни Сайёранинг миясига дадам қўйган, Сайёра талабаларидаёқ халқ оғам ижодидан курс иши қилган эди. Хуллас, у фан номзоди бўлгач, Тил ва адабиёт институтида бир неча йил ишлади. Бу орада янгича турмуш тарзининг ўзига хос ки-

йинчиликларига чидай олмаган талай олимлар ҳам бошқа даргоҳларга ўтиб кетишди. Опам ҳам Қўшқор ҳўжалик институтида иш бошлади: маош ҳам кўпроқ экан. Баҳодир акам эса ўз соҳасини кўзи қиймади: Тил ва адабиёт институтига тарқ этмади...

У киши ҳақида дадамдангинамас, ойимдан ҳам эшитиб турардим: Баҳодир Саримсоқов — Ўзбекистонда санокли фолклоршуно олимлардан бири. Бу соҳада ўнлаб тадқиқотлари чиққан, Боку, Анкара институтиларида маърузалар ўқиган...

Хуллас, ана шу олим орадан йигирма йилча вақт ўтгач, Олий Адабиёт босқичининг тингловчиси ҳисобланмиш менга ҳам дарс бераркан! Илк сабоқнинг ўзиёқ мени



— Лаббай, ўғлим, — деди-лар.  
— Музқаймоқ егим кевопти. Йигирма тийин бера қолинг.  
— Ҳозир, — дея дадам чўнтақларини кавлай кетдилар. Биридан қоғоз пуллар чиқди, биридан умуман ҳеч нима. —

Уғлим, майдам йўқ экан. Каттасидан берсам, томогини шамоллатиб келасан. Эртага ерсан музқаймоқни... — Дадам менга шўнчаллик билан шу гапларни айтиб, яна Баҳодир акага юзландилар.

Мен негадир Баҳодир акадан ҳам уялдим. Йўлакка бурилаётим, у кишининг менга зимдан қараб турганларини сезгандим. Тагин энгил шиппагимни кийиб, боғичларини ўтказайтандим, ёнимда бировнинг соҳисини сездим. Ва шу заҳоти соддан узатилган қўл меннинг шимининг чўнтағига тушди. Қаддимни ростласан, Баҳодир ака ваннахонага ўтаётган эканлар. Албатта, бундан хурсанд бўлдим. Аммо ижолат ҳам тортдим. Кейин кўчада ҳам ўйлаб бошладим: «Баҳодир акам менга пул бермоқчи экан, нега дадамнинг ёнида бера қолмади?» Ушанда бу одамнинг нақадар одобли ва маданиятли эканини қайдан билибман!

Хуллас, мен дадамдан битта музқаймоққа пул сўраган эдим. Бир талай музқаймоққа етдилар пулга эга бўлдим!

Лифтдан чиққач, саҳийлигим тузук кетди: дадам айтганидек шўна музқаймоқни еб, томоғини шамоллатаманми? Биронта танишим билан баҳам кўраман энди...

Болалар гавжум бўладиган футбол майдончасига ўтсан, арғимчоқда Митя ўтирибди. У — яхши танишим эди, бизлардан бирикки кават пастда туришар, ўзи машҳур ёзувчи Сергей Боронининг невараси эди.

Мен дарҳол Митяни қақириб, музқаймоқхўрликка тақлиф этдим. Ёнимиздаги «Чархпалак» қаҳвахонасидан бешта музқаймоқни олиб, яна арғимчоққа қайтдик.

Дадам тўртинчи бетда.

ЙИГИРМА ЙИЛДАН КЕЙИН

Бадиъа

мафтун этди. Достончилик ҳақида сўзлаб, Бойсун билан боғлиқ «Аппомиш»да алоҳида тўхтади. Кўп миллий кадрятларимиз айнаи шу достон қаҳрамонларида намоён, деди... Бу гаплар менга ёқди, албатта. Аммо «Жаҳонгир... Қалайсан?» деган биринчи лўқманнинг тавсири кўчли бўлди. Айтишим лозимки, ўша «...қалайсан»ни эшитишим биланок умримда унутилмас бўлиб қолган бир воқеа ёдимга тушиб кетди.

Ушанда, нари борсам, саккиз ёшларда эдим. Дадам билан Баҳодир ака уйимизда мўҳим бир масалада баҳслашиб ўтиришар, ташқаридаги иссиқни гўёки сезишмас эди. Мен ётоқдаги ойнаи жаҳонда кўрсатилган қандайдир филмни томоша қилиб бўлиб, кўчага чиққим келди.

Йўлакка шиппагимни кийиб, терга тушдим. Бунақа иссиқ кўнда саккиз яшар боланингинамас, балки саксон яшар чолнинг ҳам кўнгли тусайдиган бир таом ёдимга тушди.

Хонага мўралаб, катталарнинг гапи хали-вери тугамаслигига иқрор бўлдим-да: — Дада, — деб қақирдим.

Дадам ҳозиржавоблик билан:

Маққиди танқид

Биринчидан, Навоий «Ҳамса»нинг илк достонидеги ўша байта «уч ҳодиса — ишқ, икки жаҳон ва жон муносабатларини бадиий талқин сахнига» қўяётгани йўқ. Балки дунёнинг яралишига сабаб бўлган ишқнинг оламшумул моҳияти ва қудратини идрок этишга ақл эмас, Кўнгул қодирлигини таъкидлаган, ҳолос. Аслида гап ишқ ва кўнгул муносабати ҳақидадир:

Қайлаки ишқ ўти бўлиб шўлақаш,  
Ақд улўб ул ўт ўза хошонкаш...

Ғайри кўнгул хиттан маъмураси,  
Ким қубон бўлди бу ўт кўраси.

Қайси кўнгулники, мақон этти ишқ,  
Ўтдин ани дельга кон этти ишқ.

Бўлмас ишқ, икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демак, жон бўлмасун...  
Кани бунда «жон»нинг «икки жаҳон»дан юқори маънага қўйилганми? Бундан ташқари, бу ўринда Навоий «жон» билрамчи, «икки жаҳон»

Иброҳим ҲАҚҚУЛ

АНГЛАШ ЗАКОВАТИ

ёхуд Фитратнинг «ноҳақ»лиги хусусида

ларини у ниҳоятда нозик фаҳмлайди, зарур ўринларда шёрни бемалол сўзлатади.

«Адабиёт қондалари»даги илмий шарҳ ва таҳлилларни кўя турайлик, танланган шёрний мисолларнинг ўзиёқ Фитратнинг қандай шёрнуос эканлигини кўрсатувчи «ҳужжат»лардир. Уларнинг кўпчилиги Навоий, Бобур ва Чўлпоннинг ўлмас сатрларидир. Қўлланмада Алишер Навоийнинг газал, туюқ, тархиёбандлари, «Мезон ул-авзон», «Маҳбуб ул-қулуб», «Мушоат» асарларидан кетма-кет намуна ва иқтибослар келтирилган. Унинг «Услубнинг умумий, хусусий ҳўллари» дея номланган фаслида эса ҳазрат Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидан олинган 25 байт, яъни эллик сатрнинг гоғийи-бадиий хусусиятлари ёритиб берилган. Бу ҳам, албатта, Фитратнинг шёрн тақинидаги зукколиги ва Навоий санъаткорлик мақомини жуда баяндаб, деб билангилдандир. Унингча, «Навоийнинг шорлиги, санъаткорлиги ҳамма чигатои шoirларидан юқориде туради». Аммо қўлланмада баъзи ўринлар учрайдикки, улар юзаси қаралганда, Навоийга «жиндек» тегишидек бўлиб туюлмоғи шўбхасиз.

Фитрат қайтши (ружў) санъатининг хусусиятини изоҳлаб, ружўдан маҳорат билан фойдаланишининг намунаси Уларок, Навоийдан ҳам куйидаги уч байтини танлайди:

«Кўнгул ару худини хабар йўқ,  
Не хўшкчи, кўнгулдан асар йўқ.

Ҳар бир монғинида бир латофат,  
Йўқ, йўқки, соғиб жаҳонга офат.

Азм айла сабо ул гули хандонима,  
Не гулчи, кўшдек моҳи тобонима».

Қайтиш санъати талаби нуктаи назаридан қаралса, ушбу байтларнинг бири иккинчисидан гузал, иккинчи сатрлардаги фикр ҳаммасида ҳам олдингисидан кучли ва таъсирли. «Шундай бўлмагач, қайтишининг маънисин қолмайди», дейди Фитрат ва фикр исботи учун яна Навоийдан мисол келтиради. Унингча: «Навоийнинг: **Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун, Икки жаҳон демакки, жон бўлмасун** — деганинда қайтиш мана шундай керакисиз қайтишлардандир.

Чунки, бу «икки жаҳон бўлмасун» деганига рози бўлмай, «йўқ жон бўлмасун», дейди. Холбуки, иккинчи фикри биринчи фикридан кучсиздир».

Бу «кучсиз»ликнинг асосини Фитрат негадир шарҳламади. Нима учун? Мен бунга ўша давр шёрношларининг илми ва савиясига ишончдан бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки ўтган асрнинг йигирманчи йилларида мумтоз шёрниятни «наънанга» бир йўсида ўқиб, ундаги ирфоний маъно ва тиссол мазмунларини ҳам чуқур англаб, ўзларича талқин қила олади-

ий?» мақоласи эълон этилди. Сарлавҳаданок муаллифининг масалага тамоман ўзгача ёндашганлиги ва бир қадар ҳакамликни ҳам зиммасига олганлиги билинади. Сувон Мели мушоҳада тарзи ва талқинларининг ўзига хослиги билан танилган адабиётшунос бўлиб, мақолалари ўқувчиларни бепарқ қолдирмайди. Бу гап «Ҳазиллашманг даҳо билан ёхуд ким ҳақ — Фитрат ёки Наво-

ундан кейин, унга тобе деган қарашдан йироқ. Сувон Мели мақолотидаги бош мақсадни аниқ ва тўғри англамаганлиги боис Навоийнинг бир газалидаги:

Ҳаҳр ўлудмин талх эмиш,  
бундан сўнг, эй гардун мени,  
Айлагил жондин жудо

қилгунча жондин жудо — байти мазмунини ҳам ўзича англайди ва: «Лекин бундай бўлмайди. Бундай бўлиши мумкин эмас. Негаки жонга шўнчаллик шадҳ билан талпинган «мен» ва «жон»ни «гардун» ҳам аяйдий хойнаҳой», дея гирт замонавийлаштирилган ҳўкм қиларади. Холбуки, «Адабиёт қондалари»даги икки жулма гапни муаммо даражасига кўтаришдан аввал, ҳеч бўлмагач, «Айлагил жондин жудо қилгунча жондин жудо» мисраси заминидеги яшарин маънони топиш зарур эди. Ана шунда, «жон» нафақат «икки жаҳон», балки ўн саккиз минг оламнинг кўзгуси, кўзгусигина эмас, бор қилувчиси, борлигининг оқловчиси...» каби фалсафий мулоҳазаларни тўқийша иштиёқ дарҳол сўнариди.

Маълумки, жон қалимаси форсча бўлиб, руҳ, равон (харакатланувчи) нафс маъноларини англатади. Ирфоний мазмунида эса жон — илоҳий нафас, Ҳақ тажаллилари, боқийлик сифоти демакдир. Гап шундаки, Шарҳ шёрнияти намуналари ўқиб ўрганайлаётганда ёки талқин қилинганда мазкур маълумотлар билан чегараланмай «жон» ва «жоннинг доир шарҳ ва талқинлардан ҳам батафсилроқ ҳабардор бўлиш лозим. Тасаввуфда «жон» сўзи Раб, Оллоҳ, Оллоҳнинг қайишмиёят сифатлари мазмунларини ақс эттиради. Шун сифатдан алоқаси узилган борлиқлар мавжудликдан ажралиб, дарҳол йўқ бўлиб кетади. Ҳақиқий ошклар жондан эмас, жондан жудо бўлиши мусибат ҳисоблашлари шундан. Бу нуктаи назар Фузулийнинг мана бу байтида аниқ ифодасини топан:

Ё Раб, манга жимеж жон керакмас,  
Жонан йўқ эса жон керакмас.

Ошиқликда вужудни назарга илмаслик мумкин. Жондан нега бунчалик осон кечмоқ керак? Чунки жон ҳам тан сингари инсоннинг моддий борлиги. Жонини севганлар моддийга тутқун, яъни дунёга тобе бўлганлардир. Жонга, демакки, моддага боғлиқ қолганлар ахли касратдурларки, улар илоҳий ишқ заъқ-шавқидан бенавис қолганлар. Ишқ жондамас, балки ошкнинг кўнгулида тажалли айлайди. Шу боис кўнгул ойнаси бутун бўлиши шарт. Тин ошкнинг олий аъмоли ҳам жонни минг парча этиб, руҳни тан қафасидан озодликка чиқаришдир. Унганча на дард, на гам тинчлик беради. Бу ҳақиқат ҳам Фузулий томонидан жуда гузал ақс эттирилган:

Жону тан улдукча миздан дарду гам экис эмас,  
Чўкса жон жок ўса тан на жон керак, на тан минго.

Унда ошққа нима керак? Бу саволати Навоий

Майлумки, Абдурауф Фитрат фақат шoir эмас, балки улкан шёрнуос. Фақат драматург эмас, тақоролмас адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ҳамдир. Фитратнинг истеъдоди ва ижоди йигирманчи асрда камол топди, худди шу асрда унинг умри қурбон ҳам бўлди. Унинг ўз асри даҳолари сафидан ўрин эгаллашига эса ҳеч қандай қуч монелик қила олмади.

Умуман, даҳолик қандай белгиланади, мезонлари қанақа ва уларни ким қандай қабул қилади — бизнингча, бунда ягона бир фикр, қоида йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас.

Абдурауф Фитрат ҳеч қачон даҳолик даъвосида бўлмаган, ҳеч вақт даҳолигини ўйламаган. Бирок у ҳақиқий даҳоларга хос буюқ Шахсият соҳибни, юксак истеъдод эгаси эди. Ундаги ишчанлик, илм ва ижоднинг бир қанча тармоқларида факулдулда зехният ва дид билан фаолият кўрсатиш, мутафаккирлик қамдан-қам даҳоларга насиб айлаган фаизлатлардир. Фитрат Шарҳ адабиётининг чинакам билимдонини, беназир тадқиқотчиси бўлган. Зеро, у динни, тасавуфни, Шарҳ халқлари тарихи, фалсафаси, мусиқа ва бадиий ижодини ҳавас қиларли микёсда эгаллаган. Бир сўз билан айтганда, мумтоз адабиёт-

газалларидан биридаги мана бу фикрлар жавобдир:

Хулдурур жону жаҳон жонан била, жонан агар  
Бўлмас, жон ўйлаким ўлмас, жаҳон зиндон эрур.

Маълум бўлаётки, Навоий «жон», «жаҳон» ва «жон» муносабатини бадиий талқин қилишда Ваҳдати вужуд маслага асосланган: на жонни, на жаҳонни шу илоҳий вужуддан айри холда тасаввур этган.

Шарҳдаги ориф ва мутафаккирлар жонни бир неча турга ажратиб тавсиф қилишган. Ҳожи Бектоши Валнининг мақолотида ўқиймиз: «Эй азизим! Жонлар деракан, жон неча хилдир? Жон тирлиди деракан. Жон олдин ўликмиди? Улик қандак тирлар?»

Ориф, саволин қонийдир. Эшит: Жон икки турлидир. Бир — жон, яна бири — жон-сон (Эй Мухаммад), сиздан руҳ — жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир» (Қуръон: 17.85-оят).

Бошқа бир нуктаи назардан жон уч турда таърифланур:

«Биринчи жонга жисмоний руҳ дейлуруки, вужудни тирлиртган — тикан санчилгани ва қил тортилганин сезар.

Иккинчи жонга маош руҳи, яшаш руҳи дейлуру. Ер, ичар, очқар ва сувсар.

Учинчидан жонга руҳи равон дейлуруки, вужуд бедор бўлиши билан уйғонар...»

Анча кенг тарқалган нуктаи назарга кўра, икки турли жон бўлиб, биринчиси, барча жон-сонларда мавжуд ва ҳар бир жоннинг тирлигини таъминлайдиган қудратдир. Унга «хай-воний жон» дейилган. Иккинчи жон ёлғиз инсонга ато этилган илоҳий жаҳаддир. Нур ва қудратдан иборат бу жаҳадга руҳ дейилган.

Худди шу жойда Навоий байтига қайтиш эҳтиёжи туғилаётир:

Бўлмас ишқ, икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демакки, жон бўлмасун.

Шу икки жаҳон қандай жаҳон? Маълумки, чин ошқликда уч асосий масала бор. Шулардан биринчиси Тарқ, яъни тарқи дунё, тарқи уқбо ва тарқи ҳам тарқ қилишдир. Шунга кўра, моддий таъсими бўлиши «икки жаҳон»дан кечийша ишқ ахлида таррадууд бўлиши мумкин эмас. Бас шундоқ экан, иккинчи мисрадаги «жон» ҳам Ваҳдатдан айри қолшга маҳкум «хай-воний жон» — ўтинчи мавжудликдир.

Сувон Мелининг мақоласи охиридадан «Жон билан яқора, яқоҳит ҳон» ҳақидаги мулоҳазалари тўғри. Лекин уларни мазкур байтадаги «жонга» нисбат беради бўлмайди. Ақс тарзда Фитрат иккинчи мисрадаги фикрни биринчи мисрадаги қараганда «кучсиздир», дегаман бўлади.

Фитрат ҳазрат Навоий ижодийтини «ипидан игнасизга» меҳру муҳаббат билан ўрганган, устозининг қатор асарларини, жулмадан, «Маҳоласи ун-нафос»ни тақор-тақор назардан ўтказган. Менинчга, Фитратнинг шёрнуосликдаги биринчи устози Навоий. У Навоийнинг адабий-тарқидий қарашларидан сабоқ олган ва илҳомланган. Ахир, Навоий энг буюқ саволиннинг асарларида назарга қалинадиган етишмовчиликларни ҳам дидил айтган-ку! Қолаверса, Фитрат Навоий билан ҳазиллашмиш ёки мутафаккир шoir ижодидан қамчиллик излашни ҳаёлга ҳам келтирмаган. Инсоф юзасидан бунга тан олиш керак. «Фитрат билган «кучсиз»лики Навоий билмаганими?», деган савол туғилиши табиий. Навоий жуда яхши билган.

Санъат заъқи, қалбдан қўюлиб-ёғилиб келаятган байтлардаги оҳанг сеҳри, қофиялардаги мусиқий уйғунликлар ижодкорга баъзан мантиқ «тарозисини» эсламасликка илз беради. Вазн сўзларининг ёлғиз «сафдош»лигини эмас, сасдошлигини ҳам таъминлашга хизмат қилади. Шунда маънан ва мантиқан муносабатта қирисув натижасида сўзларнинг табиятида ўзгариш ва янгилаш ҳўсил бўлганлиги ҳам осон кузатилади. Вазн ила «занжиранган» сўзалар мазмунан бир-бирига қанчалик зид ёки тескари бўлмасин, мутлақ зайдда шoirнинг ҳўжмага тобелашувдан ташқари бир-бирларини қўллаш, ўзаро «тил топилиш» ва ягона бош мақсад учун ҳаракат қилишга ҳам мажбур бўладилар.

Энг асосийси, кашф ҳўлатларида қалам тебратган санъаткор борки, айтарли ҳаммасининг ижодига тақид қилишга тил бормайдиган жузъий нуқсонлар учрайди. Бизнингча, Фитрат ҳам масалага бошқа бир микёс бермаган. Бор-йўғи биргина сўз мазмунига эътироз этган, ҳолос.

Урта асрларда ўлкамизда яшаб ўтган йирик нақбандия шайхларидан бири Мавлоно Хожайи ал-Имкангайирдир. Нақбандия тарихида сийосатчи баён қилинган асарларда ҳазрат Имкангайирнинг номи чуқур эҳтиром билан тилга олинди, ул зот пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом авлодидан эканлиги таъкидланади. Ҳазратнинг шарҳи ҳолига бағишлаб «Китоб ун-наснама», яъни «Шабдалар китоби» номи махсус асар ҳам ёзилган. Афсуски, ушбу қимматли китобнинг тўлиқ нусхасига ҳозирча эга эмасми. Асарнинг муаллифи номи ҳам номаълум бўлиб қолмоқда. УзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳазинасида сақланаётган 500-рақамли кўлемнинг 194 — 198-парақларида мазкур асардан айрим парчалар келтирилган. Парчаларда, асосан, Хожа Имкангайи, қисман унинг ўғли Мавлоно Абдулқосим тўғрисида айрим ҳикоятлар баён қилинади. Ушбу мўъжаз ҳикоятлар ҳам Мавлоно Хожайи Имкангайирнинг улғи сийоси ҳақида ўқувчида муайян таъсирувлар уйғотди.

Урта асрларда ёзилган тарихий манбалар ва шайхлар мақомларида нақбандия ёки бошқа тарихий ҳикоятларга мансуб баъзи йирик шайхларнинг мамлакат сийосий ҳаётида фаол иштирок этиб, давлат сийосатида катта таъсир кўрсатганликларига доир маълумотлар бор. Масалан, Жўбор ҳожадан булган Хожа Ислом шайхонидан сулоласига мансуб машҳур Абдулаҳон Иккинчидин тоғи тахт учун кураши сийосатини амалга оширишда яқиндан қўллаб-қувватлаган. Бу воқеа тавсифи «Китоб ун-наснама»да мавжуд. Ушбу ҳол ўлкамиз тарихига оид билдирилмиш бойлигини учун бузрукор шайхлар мақомотларини ўрганиш ҳам муайян аҳамиятга эга эканидан далолат беради.

Кўйида «Китоб ун-наснама»нинг мавжуд қисмлари таржимасини келтирамиз.

**БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РОҲИМ**  
Ҳазрати Мавлоно Хожайи Имкангайи қуддиси сирраҳ ҳақидаги «Китоб ун-наснама»дан нақд:



Ҳайитингиз муборак!

**Боши учинчи бетда.**  
Мен чиндан ҳам бахтиёр эдим. — Эй, Жаҳон, ким эди у — сенга бир сўм берган одам? — деб сўради Митя. — Баҳодир ака, — деб жаъоб бердим. — Нега эди у сенга пул беради? Қариндошларинг бўладими? — Мен омаи дейшини билмасдим. — У киши менга... ҳам, «макин» бўлади. Даданинг эса — яхши ўртоғи. — Яхши «макин» бор экан, — деди Митя. Шунда қалламга шу гап келди: — Митя, катта бўлсам, пулдор бўлсам, мен ҳам у кишини нима биландир меҳмон қиламан. Албатта сийлайман! — дедим. Мана энди шу «макин»нинг дарсида ўтирдим. У киши «Алпомиш»у қадриятлардан кейин жуда узоқ ўтмишдаги адабиётимиздан гапирди. Албатта, Баҳодир аканинг гаплари жуда қизиқ, ҳар бир сўзи янгилик эди. Шунга қараман мен муҳим фикрларни қайд этиб боришни унутган эдим. Ёнида ўтирган Гулчехра шиниллаб ёзиб олмакда эди. Унинг менга ҳайратланиб, бир-икки қараб қўйганини ҳам сездим.

Аммо болалик хотираларидан кейин уйғонган ҳаёларимни бўлгим келмасди: «Баҳодир акага ўхшаган тағин неча «макин»ни кўрибман экан!» Биттисини дарҳол эсладим: у киши яқинда вафот этган, дадам билан таъини бораган эдик. У одамни сиз ҳам биласиз: «Гулхан» журналининг бош муҳаррири Сафар ака Барноев эди. Бу инсоннинг мен билан муносабатлари жуда яхши эди. Тахриратга кириб қолсам, олдигагина қилиб: «Янги» деб қабул қилар, ҳикомани ўқир, фойдали маълумотлар беради. Кўпинча ўзининг бир пиёда оқ қойидан қўйиб беради, кейин дадам, одам ҳақида сўради-да, гоҳида мана бундай гапларни айтади: «Сен «Гулхан»га ўтмагансанми. Майди. Маоши кам... Яқинда қўйида. Кейин сени бўлим мудир қилиб ишга олам. Қариб-қуриб пенсияга чиққанмида эса, сени ўз ўрнига таъин қилган бўларди. Ушундан сен менга муовин бўлиб ишлаётган бўласан. Қаламинг яхши. Қолаверса, ахир, сен менинг жиянимсан...»

Яхши кунларини ҳам, яхши инсонларини ҳам қадриятга улгуромай қолар экансан... Дадам ҳам, у кишининг дўстлари ҳам бир ёшга бориб қолишди. Оқсоқол Рўзи

Ул жанобнинг камолот нури ва ҳол етуклиги касб этишлари улғи отаси Мавлоно Дарвиш Мухаммаднинг ботинининг поклиги тўғрисида бўлиб қолди. Бу яқинлик жамоли унинг истеъдод, ҳидоят ва иршодий сиймосида ўзгача зебу зийнат пайдо қилди. Камолот даражасига етганидан бошлаб ўттиз йил муддат давомида ўз бузруквори отасининг муборак тариқи (йўли)га мувофиқ ўз ҳолини махфий тўтиштирилди. Аммо ҳазрат ҳаққ субҳонаху (Оллоҳ) ўз толиблари тарбияси учун уни узлат авлиёлар сирасидан

# МАВЛОНО ИМКАНАГАЙИ ҲИКОЯТЛАРИ

дилкаш авлиёлар анжуманига ўтказишни хоҳлади ва Мавлоно ўз умри охиридаги иршодга машғул бўлди. Умаро ва фуқарога мансуб кўп одамлар уни тушида ва ўнгидан қўриб, мулозиматига шошилдилар. Унинг сўхати шарофатидан жуда кўп қалби муракко одамлар гафлат уйқусидан уйғондилар. Бисёр савдоий «ошиқ»лар тоғирга айлиб, унинг сўхати Юсуфига харидор бўлишди. Кўплаб фозил одамлар унинг иршодига камандига илдилар. Мавлоно Дарвиш алайҳирраҳма ушбу фузалолар жумласидан бўлиб, ҳазрати мавлононинг муборак назари тушган одамлардан бири эди. У тақводор ва покйишат киши бўлиб Мавлоно Махмуд Гилюнийнинг етук шогирди сифатида қирқ йилдан ортиқроқ муазам Балх шаҳрида ақлий илмлар бағишга бағишланган муътабар китоблар битди ва бир минг йигирма тўрт ёки йигирма бешинчи йиллар ҳауудайида дунёдан ўтди.

Ҳазрати Махдумимиз Мавлоно Хожайи азимат йўлида собит қалам эди ва рухсат қилинган ишлардан ҳам ўзини четга тортарди. У кишининг хонақоҳ ва масжиддан (узгасидан) хабари йўқ эди. Ўз йўлида ниҳоятда устиворлиги тўғрисида унинг мажлисида рақс, сармо ва хуруш йўл топилмасди. Бир кун бир киши арз қилиб

деди: «Масжид йўлида паст-баланд жойлар кўп. Ҳазрат Эшоннинг ёшлари улғи бўлгани учун танлари заиф ва кулватсиздир. Аср ва шом намозларини бир келишларида ало этиб шариф манзилларида қайтасан. Шунда кўп келиб-кейтиш ташвишдан қутилардилар. Ҳазрат дедилар: «Адо этадиган намозларимиз ана шу келиб-кейтишларимиздир.»

Яна бир нарсаси бўлиб қолмасинки, бу олий ният нури ул кишининг сиймоси ва атворида яққол акс этиб турарди. Ҳазрат барча мусулмонларга нисбатан ниҳоятда

тавозели эдилар. Агар бIRON мусулмон шариф манзилга келса ҳазрати Эшон ёши улғулугига қарамай унинг хизматига машғул бўларди. Заифлик тўғрисида муборак қўллари қалтира-да, ўзи меҳмон олдига дастурхон келтириб ёзарди. Кўпинча меҳмоннинг хизматкорлари ва улловидан ҳам ўзи хабар оларди. Шу тарзда жуда кўп халққа соҳиб (пир) бўлилар ва Хожайи бўлур (Баҳодирдан Нақибдан) ва унинг халифларининг ҳоким тарихида йўлида мустақил бўлиб, шу тарихида умри шарифлари тўқсонга етиб ва бир минг саккизинчи йил бешинчи кўчиб ўтидилар.

Абдуллоҳнинг ўғли Абдулмуъинхон улумидан кейин жияни Пирмухаммадхон Мовароуннахр ҳукмдори бўлди. Мазкур хоннинг қариндошларидан Динмухаммад сўзотон Абдуллоҳдан тарафидан Ҳидрот ҳокими этиб тайинланган эди. У туркманлар қўлидан шаҳодат топган, бирорлари Бокжон отаси ҳамда баъзи бирорлар ва бирорлар қалдари билан Мовароуннахрда шитоб қилдилар. Пирмухаммадхон Самарқанд ҳукуматини бу жамоатга топширди, аммо бир неча кундан кейин унинг хотирида ул жамоатдан ваҳм пайдо бўлди ва уларни қатл этишга қасд қилиб, катта лашкар тўплаб Бухородан Самарқандга отланди. Ул жамоат ҳазрати Мавлонодан ҳимоятчи бўлишини сўраб дедилар: «Биз барча ака-ука сўзотонлар ҳоким бўлишимиз, Самарқандга ўрнашиш ва унга итоат этишни ихтиёр қилдик. Биздан нима айб содир бўлдики, устимизга лашкар тортиб қолмоқда.»

Ҳазрати Мавлоно қуддиси сирраҳу Пирмухаммадхон лашкари

қаршисига бориб турли насихат ва иттимослар қилди. Аммо бу гал вази унга қулай бўлгани учун Пирмухаммадхон қабул қилмади. Ҳазрати Мавлоно ниҳоятда даргазоб бўлиб қайтиб келди ва Бокжонга деди: «Уғлим, ўз аскаринг қамлишдан андиша қилмагин ва бу ойти қаримани ўқитгин: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан галаба қилган» (Куръон, Бақара сураси, 249-оят). Шундан сўнг Мавлоно кўмак қўлини Бокжоннинг елкасига қўйиб, муборак фўталари-

шодлик йўқдир.)

Ва яна Мавлононинг яқин мухлиблари ва фарзандларидан шунини эшитдимки, у нафар толиби илм, бу тоифага одат бўлганидек, ҳар бири бир ниятни кўнглига тугиб Эшоннинг хизматига етиб келишди. Бирининг дилида шу йўл бор эди: агар Эшон қароматли бўлса, бизни фалон таом билан зиёфат қилади. Бошқаси эса фалон мевадан олдимишга қўяди, деб хотиридан ўтказибди. Учинчисининг матлаби шундай эди: бўлмаси мажлисда Эшон фалон соҳибжамол болани

ҳозир қиладилар. Ҳазрати Мавлоно шариат изи берадиган муродни тилаган ул икки нафарни ўз муродларига етказдилар. Учинчиси эса шунини ўқитардилар: «Хол даражасига эришган дарвишлар шариатга риоя қилганлари учунгина бу мартабага кўтарилганлар. Улардан шариатга хилоф ишларни содир этишни талаб қилиш дуруст эмас.»

Сўнгра уларнинг барчасига хитоб қилиб дедилар: «Бу тоифани шариатга мувофиқ ишларда ҳам имтиҳон қилиб кўрмаслик керак. Кўп вақтлар бўладими, улар бундай ишларни бажармайдилар. Шундан ният билан келувчилар ноилжоз ўзларининг катта илос ва эътиқод билан қайтиб, уларнинг баракотидан маърум бўлиб қоладилар. Бу ишлар (Яъни қаромат қилиш) бу жамоат олдига унчаллик аҳамиятли эмасдир. Холисан айтадиз, (азал-қалда) Оллоҳнинг лаҳқи маҳфўзидан нима ёзилган бўлса, ўша нарсаси э берлади.

Мавлоно Абдулқосим Ҳазрати Мавлоно Хожа Имкангайирнинг фарзанди аржуманди ва бустонининг навақирон ниҳоли эди. Уларнинг ҳар икки қаласига Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин. Унинг (Абдулқосимнинг) маъсума волидаси олдидан (китобда) зикр этиб ўтилган Хожа Мухаммад Собирнинг қизи эди. Ҳазрати мавлоно бойбона ўз фарзандининг тарбияси билан шугўлланардилар. Ҳазрат дедилар: «Мен болалик пайтида отам бир туш қўриб, унда ҳазрати Саййид ал-мурсалдин (Мухаммад пайгамбар) салаллоҳу алайҳи ва саллам мени ўзининг муборак қучоғига олган экан. Бу туш тўғрисида отамнинг менда катта умидлари бор эди. Мен ҳам Абдулқосим ҳақида худди шундай туш кўрдим ва ундан умидларим кўндир.»

Айтишларича, маҳдумзода (яъни Абдулқосим) тугал шавк ва жазба соҳиб эди. Чунонки, киш қулларидан қор қалинлигига қарамасдан

Чори эса етмиш икки қоралади... Уни сўнгги бор кўрганим кўз олдимида келди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам етмиш икки қоралаган, оппоқ соқоли кўксига тўшган эди.

Фолклор деганингизни Адабиётдан ажратиб бўлмас экан. Аксинча, адабиётнинг онаси экан у... Шунинг учун Баҳодир ака кейинги дарсларда фолклор замирида яратилган асарлар ҳақида кўпроқ гапирардилар. Ана шунда фавқулодда сезиб қолдимки, Баҳодир ака тилга олаётган ёзувчилар орасида дадам йўқ... Ҳолбуки, соф адабиётшунос олимлар — Умарали Норматов ҳам, Қозқобой Йўлдошев ҳам дадамни биринчилар қаторида тилга олишарди...

Бу нима сир бўлди? Баҳодир ака қайси ақлида кўра бунақа қилаётди?

Мен у «ақидани» излаб-излаб Баҳодир аканинг соф ўзбекона андишасидан топдим: назаримда, шунча тингловчиларнинг кўзи олдига мени

«Титаник» филмидан кичкина лаҳжа экан. Лаҳжада филмининг бош қаҳрамонлари ҳам кўриниб турарди. Уйлангиз қолдим: «Титаник» кемедининг Атлантикада чўкиши ўз замонасида улкан воқеа бўлган. Кейинчалик унча-мунча йўловчилар умуман кемега таша қўйишган ҳам экан... Фалакнинг тартибининг қарангки, бу фалан режиссёр майдонга чиқиб, ушбу воқеани иккита ёшнинг романтик муҳаббати тарихига айлантирди-қўйди.

«Ҳаёт» шу экан, деб ўйладим. Дюма ўз ўғлига: «Сен асарларингда яратган тарих истиқболда ҳақиқий тарих бўлиб қолади, болам. Шунинг билан қараман. Тарихчилар далилларни ёзишди, холос», деб бежиз маслаҳат бермаган экан.

«Курек»нинг расми солинган саккичи бозорга чиқарсалар ҳам, шундай талаш бўлармикан?» Кўлимсираб қўйдим: вақти келганда, ушбу кеманинг ҳалокати ҳақида ҳам ижодкорлар қизиқроқ бир нималар тўқиб чиқаршар...

Қаҳвани ичиб тугатаётганимда орқа томонимдан таниш бир овоз эшитилди. Танишларим қўйиб қолган эди. Хуллас, энди жилмоқчи эдим, шундай биқинимда Баҳодир аканинг гапини эшитдим. Ҳа, бармен ёнидаги офшантга иссиқ овқат буюрмоқда эди. Шарт ўғрилдим. Бир-биримизга қараб қолдик. Жилмайишдик. Назаримда, у киши мени учратганларидан мамнун эди. У кишининг ёнида яна бир йигит бор экан: кейин билсам, Баҳодир аканинг аспиранти бўлиб чиқди. Баҳодир ака шундайгина ёнимиздаги бўш устолга ишора қилди. Бориб ўтирдик. Кейин у киши:

«Жаҳонгир, биз овқатлангани кирувдик, — деди. — Буюртма бердик. Балки сизга битта ланчол...» Ана шунда кўзим очилиб кетди. Митяга берган ваъданинг устидан чиқшининг хонаси келгандек эди. Демак, бу ерда ташаббусни ўз қўлимга олишим керак.

«Ҳозир, Баҳодир ака, — дедим-у, офшантин чакқирдим. Ва анча-мунча таом-у ичимлик, газак буюрдим. Ахир, мен ҳозир... саккиз яшар боласаман. Бўйим Баҳодир аканинг бўйи билан тенг! Қолаверса, йиллар давомида оруз қилганим, яъни бу инсонни «нима биландир сийлаш»нинг мавриди келмаганими?»

Майли, энди, ўзимга яраша-да. Қолаверса, бугун ўн беш минг сўм пул олган эдим...

Менинг офшантга айтётган ҳар бир гагитига эътироз билдириб турган профессор Баҳодир Саримсоқов, ниҳоят, мени... ўзларига тенг кўргандек жимиб қолди.

«Дунё — кенг...»

**ДЮМАГА ЭҲТИРОМ**  
Туғилганига икки юз йил ва вафот этганига бир юз ўттиз икки йил тўлганидан сўнг «Уч мушкетёр», «Граф Монте-Кристо» каби оламга машҳур романлар, қиссалар муаллифи Александр Дюмага Францияда жуда юксак эҳтиром кўрсатилади.

Улуғ адабнинг хоки «пантеонлаштирилди», яъни Франциянинг энг буюк кишилари дафн этилган, Пантеон номи билан маълум ва машҳур бўлган Париждаги муқаддас Женевиер черковида кўчирилди.

Бу гоё аслида икки таникли кишида туғилган эди. Уларнинг бири Ален Деко — собиқ вазир, тарихчи, ёзувчи ва академик, иккинчиси Диде Декуа — ёзувчи, Гонкур академияси аъзоси ва Александр Дюма дўстлари жамияти президенти. Шу йил бошида улар мамлакат президенти Жак Ширакка мактуб йўллаб, Александр Дюма қабри Волтер, Руссо, Зола, Гюго каби олтимши тўққиз улуғ ватандошлари қабрлари билан бир жойда — Пантеонда бўлиши лозимлигига жуда кўп асослар келтиришган эди. Гарчи бу пайтда Ж.Ширак сайловдиги ташвишлари билан жуда банд бўлса-да, хатта тезкор муносабат билдириб, 26 март куни махсус декретни имзолади.

Улуғ адабнинг туғилган шаҳри — Виллёр-Коттерэдаги юртдошлари «нима қилиб бўлса ҳам бунга...», яъни Александр Дюма хокини Парижа олиб кетишга йўл қўймасликларини айтишди. Бирок улар, ниҳоят, ҳамюртлари — буюк адаб фалат уларга эмас, бутун Францияга тегишли эканини тўшуниб етишди.

Утган пайшанба куни Александр Дюма хоки президент Ж.Ширак иштирокда ўтган тантанали тадбирдан кейин Виктор Гюго қабри ёнига қўйилди.

**ФАРРОШНИНГ ОМАДИ ЧОПСА...**  
Мутлақо қутлимгаданга вороножлик эллик ёшли Нюра хола бу шаҳардаги энг бую-бадавлат фарошга айланди.

Бир кун эрта тонгда Нюра хола асфалт йўлдаги ҳазонларни супираётганда бир даиди унга яқинлашиб: «Хоним, бош ортиқча киттай керак, қайдан топса бўлади? Агар бир ишча арок топила, подшоҳимнинг ярмини тортиқ қиламан», дейди. Фаррошга даиди ароқхўрнинг нимасидир ёқиб қолади: гарчи у ароқхўр бўлса-да, кўринишидан зибёнаман, очкичана... Шу боисданми фаррош аёл югуриб уйига бориб, «ҳар эҳтимолга қарши» олиб қўйган бир ишча «Столичний»ни келтириб, даидига беради.

Албатта, даиди бир ишча арок учун Нюра холага «ярим подшоҳлик» бергани йўқ, фаррош хотин ҳам, ҳар қалай, эллик пул берад деб умидланганда, даиди унинг қўлига пул эмас, бир булак сариқ метал беради. Фаррош бу метали зарғарлик дўкондагиларга кўрсатганда, аён бўлишича, бу айнан олтин ёмбиси экан.

**ЭҲРОМЛАРДАГИ ФАРОЙИБ ШАРЛАР**  
Матбуотда ёзилишича, Ернинг маълум бир жойларига праналар — шарсимон шаклдаги ҳаётий қувватлар мавжуд экан. Хинд жўғалари (йогларнинг айтишича, илохий праналар мўъжиза яратишга, яъни моддийлашиш ва номоддийлашиш, касалликдан ҳалос этиш, шарттириш, бутун бир аъзоларни ўстириш, тирилтиришга қодир экан.

Праналар сақланган жойларни жўғалар «келажакка очилган дарвоза», деб аташади. Агар одам зарур даражада қалб мусофолитига ва ақлий тақомилга эришса, бундайларга «келажак дарвозаси» очилар, шунда улар прана шарлари билан алоҳага қириша оларкан. Бундай алоҳа инсоният тараққиёти йўлини кескин ўзгартираркан. Прана шарларига эгалик қилиш мумкин эмас, чунки улар одамлардан бир неча баравар кўп кучга эга.

Кизиги шундаки, ҳимолайлик жўғаларнинг бу эртаканом гаплари Мисрда ўз тасдиғини топа бошлаганга ўхшайди.

— Мисрга қилинган экспедиция пайтида биз миср эҳромларининг ичиде тош қабрлар атрофини рақамли ва оддий камераларда жуда кўп марта суратга олдик ва... суратларда ҳар бир эҳром ичиде теваратганда учиб юрган шарларни учратдик, — дейди Мисрга экспедиция уюштирган россиялик профессор Эрнст Мулдашев. — Хатто видеокameraда учиб юрган шарларни қиришга муваффақ бўлдик. Бундан келиб чиқиб, прана шарлари ҳақиқатан бор нарсам, деган саволга ижобий жаъоб берса бўлади.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жағмараси уюшма аъзоси Султонмурод Олимовга отаси **ҲОШИМЖОН ОЛИМОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

«Узбектелефони» студияси жамоаси студия бош директори Мирзааҳмад Алимовга отаси **МИРЗАМУРОД АЛИМОВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик билдиради.

**МУАССИСЛАР: ЁЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЁЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

**НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ**

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзил: Тошкент — 700083, Матбуотчилик кўчаси, 32  
Қабулхона — 133-52-91, котибати — 136-56-50

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 133-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93  
Санаъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи**

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

Редакция келган кўйимлар таҳсил этилмайдиган муаллимларга қайтариладими. Муаллимлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Махмуд САЪДИЙ  
Саҳифаловчи — Жаъфар ЖАББОРОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Манзил: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй  
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 1.00.

Газета Ёзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 970. Ҳақими — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН**

Тиражи—4309